Использование интерактивных, инновационных методов наряду с применением системы Интернета и других технических средств, а также современных информационных и педагогических технологий при преподавании иностранных языков приобретает особое значение в целях повышения уровня подготовки студентов и способствует стимулированию их активности в процессе обучения, а также развитию индивидуального, творческого мышления обучающихся.

В заключение надо отметить, что организация самостоятельной работы, на наш взгляд, является сегодня одним из основных краеугольных камней в процессе повседневной работы каждого преподавателя иностранного языка со студентами и требует от него соответствующего уровня подготовки, владения наиболее эффективными для тех или иных групп студентов педагогическими технологиями.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Polat YE. S. Metod proektov // Sovremennie texnologii universitetskogo obrazovaniya. – Sentr problem razvitiya obrazovaniya. Respublikanskiy institut visshey shkoli BGU. Mn.: RIVSH BGU. –2003. – №2. – S. 240.

2. Polat YE. S. Metod proektov na urokax inostrannogo yazika. / Inostrannie yaziki v shkole - № № 2, 3 - 2000 g./iteach.ru/images/4/4e/Polat_YE.S._-_Metod_proektov.pdf

3. Sechina K.A. Chtenie original`noy literaturi po spetsial`nosti v protsesse obucheniya inostrannomu yaziku v neyazikovom vuze // Sovremennie nauchnie issledovaniya i innovatsii. 2015. № 8 [Elektronniy resurs]. URL: http://web.snauka.ru/issues

4. Solov`ev I. M.. Iz praktiki metoda proektov v amerikanskix shkolax // Na putyax k novoy shkole. 1929.

5. Tadjibaeva D.A. Samostoyatel`naya rabota studentov kak odin iz vajneyshix komponentov organizatsii effektivnogo obrazovatel`nogo protsessa (iz opita provedeniya proektnix rabot). Innovatsiya o'quv jarayonida. Toshkent. 2010.

6. *Kilpatric W.H.* The Project Method//Teachers College Record.-1918.-19 September/- P.319-334.

7. الشهري، مريم محمد. قراءة في الفكر التربوي ل جون ديوي. دراسات، 27/04/2018

8. https://www.new-educ.com-john-dewey8.

Nigora MULLASODIQOVA,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

МАОНИЙ ИЛМИДА ГАП ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

ПРЕДЛОЖЕНИЯ И ЕГО ВИДЫ В НАУКЕ МАОНИ

SENTENCE IN THE SCIENCE OF MAONIY AND ITS TYPES

Калит сўзлар: *наҳв, балоғат илми, маоний илми, жумла хабарийя, жумла иншоийя, иншо талабий, иншо ғайри талабий, сўзловчи, тингловчи, шароит тақозоси.*

Ключевые слова: *нахв (арабская грамматика), стилистика арабского языка (илм-аль-балага), наука о смыслах (илм-аль-маони), уведомительное предложение (жумла хабарийя), неуведомительное предложение (жумла иншоийя), неуведомительное предложение, требующее изменения, (иншо талаби), неуведомительное предложение, не требующее изменения (иншо ғайри талабий), говорящий, собеседник, обстоятельство.*

Key words: *nahv (Arabic grammar), the style of the Arabic language (ilm al-balagha), the science of meanings (ilm al-maony), the notification offer (jumla khabariyya), the non-informative sentence (the voice of inshoiya), the non-notification sentence requiring changes, (insho talabi), non-informative offer not requiring change (insho gayri talabiy), speaking, interlocutor, circumstance.*

Гап ва унга боғлиқ мавзулар тилшуносликнинг энг муҳим масаласидир. Замонавий ўзбек тилшунослигида гап таркибига ва ифода мақсадига кўра тасниф қилинади. Ўзбек тили стилистикасида гаплар асосан қуйидагича тасниф қилинади [4; 151–160 б.]:

1. Тузилишига кўра:

А) Содда гаплар:

– Бир таркибли гаплар;

– Икки таркибли гаплар.

Б) Қўшма гаплар:

– Боғланган қўшма гаплар;

– Эргашган қўшма гаплар.

2. Ифода мақсадига кўра:

– Дарак гап;

– Сўроқ гап;

– Буйруқ гап.

Гап мавзуси ва унинг таснифи синтаксиснинг марказий масалаларидан биридир. Мазкур мақолада араб балоғат илмида гаплар таснифи араб наҳви ва ўзбек тилшунослиги нормалари билан солиштирилган. Ўзбек тили стилистикасида гап тузилиши ва ифода мақсадига кўра таснифланса, араб наҳвида қандай сўз билан бошланишига эътибор қаратилиши, маоний илмида эса гап шароит тақозосига кўра тасниф қилиниши турли мисоллар орқали очиб берилган. Маоний илмида гап тасниф қилинганда бошқа тилларда, хусусан, араб наҳвида ҳам ҳисобга олинмайдиган энг муҳим жиҳат – сўзловчининг мақсади ва тингловчининг ҳолати алоҳида таъкидланади. Маоний илмида гап воқеликка муносабатига кўра таснифланиши, хабарий гапларда сўзловчининг мақсади ва тингловчининг ҳолати муҳим омил деб қаралиши, иншоий гапларда эса воқеликда ўзгариш бўлиш, бўлмаслигига қараб гап турлари танланиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Тема предложения и его классификация являются одним из центральных вопросов синтаксиса. В этой статье сравнивается классификация слов в науке арабского балага (стилистика арабского языка) с нормами арабской грамматики и узбекским языкознанием. Если в стилистике узбекского языка классификация предложения происходит в связи с целью выражения предложения, то в арабском языке это объясняется с точки зрения, каким словом начинается предложение, а в науке маони (наука о смыслах слов) в соответствии с обстоятельством. Классификация предложения в науке маони подчеркивается наиболее важным аспектом, который не встречается в других языках в частности в нахве (арабской грамматике), то есть учитывается цель говорящего и состояние собеседника. В статье приводятся примеры классификации предложений в соответствии с реальностью, цель говорящего и состояние слушателя как важный фактор в жумла хабарийа (уведомительном предложении) и выбор типов речи в зависимости от того есть ли изменение в реальности в предложениях иншо (неуведомительное предложение, требующее изменения) в науке маони.

The essence of a sentence and its classification are one of the central questions of syntax. This article compares the classification of words in the science of the Arabian balagф (stylistics of the Arabic language) with the norms of Arabic grammar and Uzbek linguistics. If in the Uzbek stylistics the classification of a sentence occurs in connection with the purpose of the expression of a sentence, in Arabic this is explained by which word the sentence begins, and according to circumstance in the science of maony (the science of the meanings of words). In the science of Maony the classification of sentences is emphasized by the most important aspect that is not found in other languages, particularly in Nahw (Arabic grammar), that is, the goal of the speaker and the state of the interlocutor are taken into account. The article provides examples about the classification of sentences in accordance with reality, the speaker's goal and the listener's state as an important factor in the khabar (Notifying sentence) and the choice of speech types depending on whether there is a change in reality in suggestions (non-informative sentence requiring change) in the science of maoni.

Араб тилшунослигида гаплар таснифи хусусидаги қарашлар замонавий ўзбек тилшунослигидагидан фарқ қилади. Араб филологиясида гапнинг наҳв илмидаги таснифи билан маоний илмидаги таснифи ҳам бир-биридан кескин фарқланади. Наҳв илмида гаплар қандай сўз билан бошланганига кўра таснифланади ва икки турга ажратилади:

1. Исмий жумла – исмдан бошланган гап, масалан:

Ер ҳаракатланади. – الأرض متحركة.

عن رسول الله: الحسد يأكل الحسنات كما تأكل النار الحطب والصدقة تطفئ الخطيئة كما تطفئ الماء النار. (ابن ماجة، 4200)

Расулуллоҳдан: «Олов ўтинни адо қилганидек, ҳасад хайрли ишлар савобини адо қилади. Оловни сув ўчирганидек, гуноҳни садақа ўчиради» [1;13 б.].

2. Феълий жумла – феълдан бошланган гап [7;19, 8;33, 11;456 б.]. Масалан:

أشرقت الشمس وولى الظلام هاربا –

Қуёш чиқди-ю, зулмат чекиниб тарқалди.

قال الرسول الله: لا يجتمع شح وإيمان في قلب رجل –

«Расулуллоҳ: «Кишининг қалбида ҳам имон, ҳам зиқналик бўлмайди», – деганлар.

Маоний илмида гап ва унинг классификацияси, гап бўлаклари ва уларнинг ишлатилиш ўринларига оид масалалар хусусида Абдулқоҳир Журжоний, Маҳмуд Замахшарий, Юсуф Саккокий каби балоғат илми асосчилари билан бир қаторда Аҳмад Ҳошимий, Абдулазиз Атиқ каби замонавий араб филологлари кўп тадқиқотлар олиб борганлар.

Маоний илмида гаплар наҳв илмидан фарқли равишда шароит тақозосига – مقتضى الحال мос келишига кўра тасниф қилинади. Шароит тақозоси эса асосан икки омил билан белгиланади:

1. Сўзловчининг мақсади.

Бу ўзбек услубшунослигидаги «ифода мақсади» тушунчасига тўғри келади.

2. Тингловчининг ҳолати [8; 56 б.]

Ўзбек услубшунослигида гаплар тасниф қилинганида тингловчининг ҳолати ҳисобга олинмайди. Араб балоғат илмида эса бу жуда муҳим омил саналади ва гапларга сўзловчи тингловчининг ҳолатини ҳисобга олган ёки олмаганлиги нуқтаи назаридан баҳо берилади. Балоғат илми талаблари бўйича

сўзловчи тингловчига табибнинг беморга муносабати каби муносабатда бўлиши зарур, яъни табиб беморга аввал ташхис қўйиб, ҳолатини аниқлаб, шундан кейингина зарур муолажани белгилаганидек, сўзловчи тингловчининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда муносиб гап тузишига тўғри келади [8; 47 б.].


Гаплар воқеликка муносабатига кўра иккига бўлинади:

1. خبري – хабарий гаплар;

2. إنشائي – иншоий гаплар [8;58, 9;164, 10;43 б.].

Воқеликни тўғри ёки нотўғри акс эттирадиган, мазмунига кўра «ростми?» саволини туғдириши мумкин бўлган гаплар ***хабарий гаплар***, деб аталади. Хабарий гап ўзбек тилшунослигидаги дарак гапга тенг.

Реал воқеликни эмас, унга бўлган муносабатни англатадиган гаплар ***иншоий гаплар*** дейилади [9; 164 б.]. Бу таъриф ўзбек тилшунослигидаги «модаллик» тушунчасига тўғри келади. Чунки модалликда гапнинг воқеликка муносабати ҳисобга олинади [3; 370 б.]. Иншоий гаплар таркибига ўзбек тилшунослигидаги сўроқ, буйруқ ёки ҳис-ҳаяжонни билдирадиган гапларни киритиш мумкин.



Хабарий гаплар **сўзловчининг мақсадига** қараб яна икки турга бўлинади:

1. فائدة الخبر – бунда сўзловчи тингловчи учун янги хабар етказади:

قال رسول الله: عدل ساعة في حكومة خير من عبادة ستين سنة.

Расулуллоҳ: «Бошқаришда бир соат одиллик олтмиш йил ибодат қилишдан афзал», – деганлар.

2. لازم الفائدة – тингловчи гап мазмунидан хабардор, сўзловчининг мақсади эса унга ўзининг ҳам хабардор эканини билдириб қўйишдир [8; 55 б.]:

قال موسى ربَّنا إنَّك آتيت فرعونَ وملأه زِينة وأموالا في الحياة الدنيا (س.يونس.88)

Мусо деди: «Эй, Раббимиз! Сен Фиръавнга бу дунёда зебу зийнат ва мол-мулк ато этдинг»[4].

[4] Қуръон оятлари таржимаси Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржимаси»га асосланган.

«Ифода мақсади» тушунчаси ўзбек тилшунослигида балоғат илми талаби каби сўзловчининг мақсадини эмас, балки гапнинг умумий мазмунини ҳисобга олади. Балоғат илмида эса сўзловчининг мақсади устун ҳисобланади. Чунки сўзловчи тингловчининг ҳолатига қараб гап тузиши шарт қилиб белгиланади. Хабарий гапларнинг турли мазмунни ифодалаб келиши ўзбек тилшунослигидаги гапларнинг эстетик вазифасига кўра таснифига мос келади. Яъни дарак гап интеллектуал, ҳеч қандай эмоцияларсиз фақат маълумот ёки фикрнинг ўзини ифодалаши, шунингдек, турли эмоция – ҳис-туйғуни ифодалаши ҳам мумкин [6; 89 б.]. Ўзбек тилшунослигида, одатда, интеллектуал гапга ифода мақсадига кўра дарак гап, эмоционал ҳолатни ифодаловчи гапларга эса ундов гап сифатида қаралади. Бу турдаги гапларни тузишда сўзловчи тингловчининг ҳолатини ҳисобга олиши шарт.

Тингловчи гап мазмунидан бутунлай бехабар, айтилаётган гап у учун янгилик бўлса оддий, ҳис-ҳаяжонсиз, нейтрал гап тузилади ва бу гап маоний илмида جملة ابتدائية – *ибтидоий, бошлангич тоифадаги гап* деб аталади. Масалан:

قال علي كرم الله وجهه: مارست كل شيء فغلبته ومارسني الفقر فغلبني

Али (розияллоҳу анҳу) айтган: «Нимага ёпишсам енганман, аммо ўзимга камбағаллик ёпишди-ю енгди».

Тингловчи гап мазмунидан хабардор, аммо унинг ростлигига шубҳаланса **جملة طلبية** – талабий, ишонтиришни талаб қиладиган гап ишлатиш лозим. Бундай гап таркибида албатта битта таъкид воситаси ишлатиш зарур бўлади. Масалан:

إنا أعطيناك الكوثر (الكوثر:1)

(Эй Муҳаммад!) Албатта, Биз Сенга Кавсарни ато этдик.

Тингловчи гап мазмунидан хабардор бўлгани ҳолда уни рад этиб, ёлғон деб ҳисобласа, уни гапнинг ростлигига ишонтириш учун гап таркибида икки ёки ундан ортиқ таъкид воситаларидан фойдаланиш зарур бўлади ва бундай гап тури إنكارية جملة – «хабарни инкор этувчини ишонтириш учун тузилган гап» деб аталади [9; 58–59 б.]. Масалан:


لئن أنجيتنا من هذه لنكوننّ من الشاكرين (يونس:22)

Агар шундан бизни халос қилсанг, албатта шукр қилувчилардан бўлурмиз.

Иншоий гаплар ҳам ўз навбатида икки турга ажратилади:

1. Талабий иншо гаплар;

2. Ғайри талабий иншо гаплар [10;52 б.].



إنشاء طلبي – талабий, воқеликда бирор ўзгариш бўлишини талаб қиладиган гаплар «талабий иншо гаплар» дейилади. Бу турга буйруқ, хоҳиш-истак, ундов-чақириқ ва сўроқни англатадиган гаплар киради. Масалан:

1. Буйруқ гап:

ربنا **آتنا** في الدنيا حسنة وفي الآخرة حسنة و**قنا** عذاب النار. (القرآن الكريم: البقرة، 201)

*Эй, Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик **ато этгин**, охиратда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан **қутқаргин.***

اعمل لدنياك كأنك تعيش أبدا و**اعمل** لآخرتك كأنك تموت غدا

*Бу дунёинг учун гўё абадий яшайдигандек, охиратинг учун эса эртага ўладигандек **иш қил**.*

2. Таъқиқ гап:

أما اليتيم **فلا تقهر**. وأما السائل **فلا تنهر**. وأما بنعمة ربك **فحدث**. (س. الضحى، 9-10-11)

*Бас, энди Сиз (ҳам) етимга **қаҳр қилманг**! Соил (гадо)ни эса (малол олиб) **жеркиманг**! Парвардигорингизнинг (Сизга ато этган барча) неъмати ҳақида эса (одамларга) **сўзланг.***

3. Сўроқ гап:

أوَلَيسَ الذي خلق السماوات والأرض بقادر على أن يخلق مثلهم؟ بلى وهو الخلاق العليم. (س.يس،81)

Осмонлар ва Ерни яратган зот яна уларнинг худди ўзидек яратишга қодир эмасми?! Йўқ, (албатта, қодирдир). У яратувчи ва билувчидир!

4. Орзу-истакни ***ифодаловчи гап:***

أ ليت الشباب يعود يوما
فأخبِرَه بما فعل المشيب

Қанийди ёшлик бир кун қайтса-ю,
Кексалик нималар қилганин айтсам!

5. Ундалма:

أيا جامِعَ الدنيا لغير بلاغة لِمَنْ تجمَع الدنيا وأنت تموت؟

Эй, мол-дунё йигувчи, тушунмассан,
Кимга йигарсан уни, барибир ўларсан!

إنشاء غير طلبي –ғайри талабий иншо, воқеликда бирор ўзгариш бўлишини талаб қилмайдиган гаплар. Бу турдаги гапларга мақтов ёки камситишни ифодалайдиган гаплар (المدح والذم), ҳайрат-таажжуб (التعجب), қасам (القسم), ўтинч-ялиниш (الرجاء) каби ҳис-туйғуларни англатадиган гаплар киради.

1. Мақташ ва камситишни ифодаловчи гаплар:

اعلَموا أنّ الله مولاكم نِعْمَ المولى ونِعمَ النصيرُ. (س.الأنفال، 40)

Билиб қўйингизки, Аллоҳ хожангиздир. (У) нақадар яхши хожа ва нақадар яхши мададкордир!

هم لكم عدو بئس للظالمين بدلا. (س. الكهف، 50)

Улар сизларга душман-ку! У (иблис) золимлар учун (Аллоҳнинг ўрнига) нақадар ёмон ўринбосардир!

2. Таажжуб:

كيف تكفرون بالله وكنتم أمواتا. [س.البقرة، 28]

Сизлар ўлган бўлсангиз, қандай қилиб Аллоҳга куфр келтирасизлар!

3. Қасам:

واللهِ ربِّنا ما كنّا مشركين. (س. الأنعام، 23)

Раббимиз – Аллоҳга қасамки, (биз) мушрик бўлмаганмиз!

4. Ўтинч-ялиниш:

عسى الله أن يأتي بالفتح..(س.المائدة، 52)

Аллоҳ галаба ато этиб қолар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, араб наҳви ва балоғат илми талаблари бўйича гап таснифи бир-биридан фарқлидир. Араб грамматикасида гап бошланиш сўзига кўра тасниф қилинса, маоний илмида эса воқеликка нисбатан муносабатга кўра таснифланади. Ўзбек тилшунослигида эса тузилиши ва ифода мақсадига кўра тасниф қилинади. Маоний илмида гапларни таснифлашда шароит тақозоси энг муҳим омил бўлиб, гап тузилишида сўзловчининг мақсади ва тингловчининг ҳолати бирламчи ҳисобланади. Араб наҳвида бу кўрсаткич эътиборга олинмайди. Шунингдек, ўзбек тилшунослигида, хусусан, стилистика фанида ҳам юқоридаги икки кўрсаткич ҳисобга олинмайди. Араб балоғат илмида гаплар шароит тақозоси – مقتضى الحال га мос келишига кўра тасниф қилинади. Шароит тақозоси эса сўзловчининг мақсади ва тингловчининг ҳолати билан белгиланади. Ўзбек услубшунослигида гаплар таснифида шароит тақозоси ҳисобга олинмайди, аммо сўзловчининг мақсади тушунчаси ўзбек стилистикасидаги «ифода мақсади» тушунчасига тўғри келиши кўрсатилади. Ўзбек стилистикасида тингловчининг ҳолати гап тузишда ҳисобга олинмайди, балоғат илмида эса бу муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, тингловчининг қандай ҳолатдалигига қараб таъкид воситаларидан фойдаланиш шартлари ҳам белгиланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abdujabborov A. Inson ko‘rki – odob. Toshkent. 2004 y.

2. Mansurov A. Qur’oni karim ma’nolarining tarjimasi. Toshkent. 2001 y.

3. Tursunov U. va boshqalar. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. T. 1992 y.

4. Shomaqsudov A. va boshqalar. O‘zbek tili stilistikasi. 1983 y.

5. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. Toshkent. 2001 y. 2-jild.

6. فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. الطبعة 18

7. انتصار بنت ياسين محمود. قواعد نحوية في ظلال الآيات القرآنية.2008

8. احمد الهاشمي: جواهر البلاغة في المعاني والبيان والبديع. القاهرة. 1375

9. يوسف السكاكي. مفتاح العلوم. بيروت. 1987

10. عبد العزيز عتيق. علم المعاني.بيروت.1985

11. Grande. B.M. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitel`no istoricheskom osveshenii. M.1998.